

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажати
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 27 июль, № 144 (4043)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида

Юсак даражадаги илмий излашларни амалга ошириш, ноёб ихтиро ва кашфиётлар, энг замонавий талабларга жавоб берадиган техника ва юқори технологияларни, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган етуқ бадий асарлар яратишни рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. 2007 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг:

- фан ва техника;
- адабиёт;
- санъат ва меъморчилик йўналишларида жами олтига — учта биринчи даражали ва учта иккинчи даражали Давлат мукофотлари таъсис этилсин.

Ҳар қайси биринчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараварига, ҳар қайси иккинчи даражали Давлат мукофотининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараварига тенг бўлиши белгилаб қўйилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт,

санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари бўйича кенгаш ташкил қилинсин ва унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат мукофотлари талабгорлар бўйича тавсияномаларни қабул қилиши ва уларни саралаш, Давлат мукофотлари номзодлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг илмий, ижодий, адабий ва бадий ишларининг кенг муҳокамасини ташкил қилиш, экспертизадан ўтказиш ҳамда тегишли тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш Давлат мукофотлари бўйича кенгашининг асосий вазифаси деб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Илгари Ўзбекистон Республикасининг Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Камолид-

дин Бехзод ва Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотлари билан тақдирланган лауреатларнинг мазкур мукофотлари ўз кучини сақлаши белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил қилиш тўғрисида" 1997 йил 23 январдаги ПФ-1701-сон Фармонининг 8-банди ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин;

Давлат мукофоти лауреатларининг дипломи, гувоҳнома ва қўрақ нишони лойиҳасини яратиш учун танлов эълон қилинсин ва белгиланган тартибда тасдиқлансин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 июль

БУГУННИНГ ВАЗИФАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигини муносиб кутиб олайлик

Йилнинг биринчи ярмида бой берилган имкониятларни тезроқ ишга солайлик



САМО СИРЛАРИГА ОШНОЛИК



Осмон тўла юлдузлар. Қўлингизни чўсангиз гўё узиб олиш мумкин бўлгудек яқин улар. Улкан юлдузлар тизимини ташкил этган Галактика нақ бошингиз узра айланади. Сўнг юлдузлар уча-уча аста гўйиб бўла бошлайди. Энди планеталарнинг ҳаракати бошланади. Уларни кузатиб тураркансиз, Меркурий, Зухро, Миррих, ҳалқали Зуҳаллар сизни имлаб ўзи томон чорлаётгандек бўлади. Кейин кометалар — думли юлдузлар кўз олдингизда жонланади. Астероидлар — «юлдузсимонлар», ҳатто метеорит хилларини ҳам кўра оласиз бу осмоню фалакка тикилиб.

(Давоми 2-бетда).

Ярим йиллик яқунлари:

КИМДА — НАТИЖА, КИМДА — БАҲОНА

Дили пок инсонлар табиатан эртанги кунни бугунгидан яхшироқ бўлишига умид қилишади. Лекин бахтнинг ўзи гўйибдан келмайди. Бунинг учун босиб ўтилган йўлдан сабоқ олиш, маъқул ишларни кўнгилда тутиш, йўл қўйилган хатони эътироф этиб, тўғри хулоса чиқариш керак.

Умуман, мамлакатимиз иқтисодийнинг жорий йил биринчи ярмидаги одимлари барчамизни хурсанд қилади. Маълум бўлишича, Давлат бюджетни профит билан яқунланган, шу жумладан даромад қисми прогнозга нисбатан 102,4 фоиз бажарилди. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида тадбиркорлик субъектларига солинадиган солиқ юкни камайтириш йўлидан борилди. Бевосита солиқлар ставкаси пасайтирилган бўлишига қарамай, уларнинг бюджет умумий даромадидаги улуши ўтган йилнинг биринчи ярмидаги 27,8 фоиздан бу йил 28,4 фоизга кўпайди.

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳамма жойида 2006 йилнинг биринчи ярмида эришилган натижалар ҳар жиҳатдан таҳлил қилинмоқда. Бундай масалалар муҳокамаси жараёнида даставвал шундай савол қўйилди: Президентимиз 2006 йил 10 февралдаги ҳукумат мажлисида белгилаб берган даставвал вазифаларни қай тарзда урда қилишимиз? Худди шу мезон ўзини раҳбарман деб юрган ҳар бир инсон учун бамисоли кўзгү бўлаётди. Кимдир бутун куч ва салоҳиятини билдирилган ишонч билан ўқлаш учун жонбозлик қилса, яна бошқа бирор ораликдаги яқунлар сарҳисобига баҳоналар билан келганлиги ҳам сир эмас.

Шу ўринда газетхон эътиборини масаланинг бир жиҳатига қаратсақ. Президент томонидан белгилаб берилган вазифалар — улар Юртбошимиз маърузасида, Фармон ва қарорда ифодалангани — ҳаммасини бир муштарак ният бирлаштириб туради: бугун чора-тадбирлар халқ турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилиши керак. Ана шу мақсад рўйга чиқishi учун ўз қобилиятини фидойиларча сарфлаётган раҳбарлар ҳамма халқ назаридан, аксинча шахсий манфаатини эл-юрт манфаатидан устун қўяётган кимсалар улкан кемадан тушиб қолишига маҳкум.

Шу мазоюда муайян муддат фаолияти тарози палласига қўйлаётганда ҳар бир раҳбарнинг кўрсатган қарорати холис баҳосини олади. Даврнинг ўзи уларга: «Хўш, сиз халқ турмуш фаровонлиги учун қандай хисса қўшдингиз?» деган мазмунда савол қўймоқда.

Яшириб нима қилансиз, бозор муносабатлари вужудга келаётган бугунги кунда ҳам базилар раҳбарлик деганда буйруқ бериш, тақсимот, назорат қилиш каби ҳаракатларни тушунишди. Аслида ундай эмас. Агар сиз бошлиқ бўлсангиз давлатимиз раҳбари, ҳукумат юрталган сибатнинг моҳиятини қўл остингиздаги одамларга тўлиқ тушунтириб бериш ва унинг амалий татбиқи учун зарур шарт-шароитни таъминланг.

Бу борада майда ишнинг ўзи йўқ. Айтайлик, олти ойлик яқунларга бағишланган ҳукумат мажлисида Фаргона водийси туманларида ихчам гишт заводлари барпо этиш масаласи муҳокама қилинди. Дарҳақиқат, доводдан ошиб келтирилган гишт қанчалик қимматга тушишини аниқлаш қийин эмас.

Албатта, йилнинг олти ойи ортада қолганда аксарият соҳаларда пировард-натижа ҳақида узи-кешил хулоса қилиш имкони бўлмағлиги мумкин. Лекин ўтган муддат йил бошида ишлаб чиқилган мақсадли дастурлар ижросининг қандай бораётганлиги ҳақида баҳолаш учун етарли. Дарвоқе, дастурлар хусусида. Бу ҳужжат, сервис хизматини йўлга қўйиш тўғрисида бўладими ёки қасанчалик, шахсий чорвани ривожлантиришга бағишланганимиз, ҳар жиҳатдан пухта ўйлаб тузилиши, фақат юқорининг топширигини бажариш мақсадида эмас, балки ҳаётини муаммолар ечимини ҳал этишга қаратилмоғи зарур. Амалда нима бўляпти? Аниқ муддатлари кўрсатилмаган дастурлар нардан-бери тузилапти, ҳокимлар ва мутасаддилар кўпинча унинг ижросини суриштиришмаяпти.

Шундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак? Президентимиз қайта-қайта уқтирганларидек, барча бўғинлар ўзаро уйғунлашган ҳолда аниқ ишлайдиган ягона тизим яратилиши зарур. Афсуски аксарият жойларда ана шу тизим йўқ.

Ислохотлар изчиллигида раҳбарларнинг ўрни алоҳидадир. Албатта, бундай ишонч юзлаб, минглаб одамлар орасида ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Лекин насиб этиш имтиёз, афзаллик эмас, балки катта масъулиятдир. Бунинг юракдан ҳис қилган раҳбарга ҳамма муваффақият ёр бўлади.

ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНДИ

Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгар" маданият саройида мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан аънаван тарзда ўтказиб келинаётган "Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир вилоят ҳокимлиги, Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмалари, "Маънавият ва маърифат маркази" вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари замонашларимиз ҳақида асарлар битаятган истеъдодлар иштирок этишди. Ҳакамлар хайъатининг эътиборига 400 дан ортик асарлар ҳавола этилди. Фолиблик парктентлик шоир Усмон Бек, бўстонликлик Жамила Султон ва чирчиқлик ёш қаламкаш Шаҳноза Равшановага насиб этди. Кўрик-танлов мукофотларини совриндорларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Абдулла Орипов топширди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЕВРОПАГА ОЧИҚ ЎЗБЕКИСТОН

«Ўзбекистон — иллюзияларсиз кашфиёт» — мамлакатимизда бўлиб қайтган Европа парламенти депутати Жон Аттارد — Монгалто «New Europe» ҳафталик газетасида чоп этилган мақоласини ана шундай номлади.

Ўз-ўзидан аёнки, Европанинг барча мамлакатларида тарқатиладиган ушбу нашрнинг 140 минг нафар ўқувчилари қаторида мазкур мақола бизнинг муштарийларимизга ҳам қизиқарлидир. Жузъий қисқартириллар билан унинг таржимасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Кунлардан бир кун мендан ҳаётда нима қилишни тўғрисида сўрашди. Меннинг жавобим қуйидагича бўлди: мутахассислигим бўйича — адвокатман, бироқ сибатчи сифатида ҳордиқ чиқарман, саёхат меннинг ахтирсимдир.

Дунёда ҳаммаси бўлиб қариб 190 давлат мустақил ҳисобланади. Марказий Осиёнинг бешта республикаси сўнгилари қаторида суверен давлатлар сафига қўшилди. Улар жүғрофий жиҳатдан чирмашиб кетган, аслида эса ягона минтақа. Урф-одатлар, аънавалар, миллий таомлар, тил, этник яқинлик сингари кўплаб ўхшашликлар бўлишига қарамаддан ҳар бир республика ўзининг ажралиб турадиган жиҳатларига эга. Бир пайтлар АҚШ президенти Ричард Никсон айтган экан: ҳар бир минтақа уни намоян этадиган мамлакатга эга бўлади. Бунда у Европага нисбатан Ита-

лияни назарда тутганди. Агар мен Марказий Осиё намоян этадиган мамлакатни таллаганимда эди, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистонни танлаган бўлар эдим.

Яқинда мен Ўзбекистонда бўлдим. Менинг самолётим Тошкент аэропортига кўнгунига қадар қоним таркибидеги адреналин миқдори аллақачон юқори даражага чиққан эди. Узимни нима кутаётганлигини билмас эдим. Бироқ, менинг мамлакат бўйлаб ҳаракатланганим мутлақо тўсиқсиз кечди. Мен ўзимни мустақиллигининг 15 йиллиги яқинлашаётган ҳамда ўз маслак-этиқодини топишга интилаётган мамлакатда эканлигимни ҳис қилдим. Тожикистонни ҳисобга олмаганда, минтақанинг катта қисми заманимизнинг бошқа бурчакларида рўй берган даҳшатли воқеаларсиз сибейи етуқликка эриша олди. Назаримда, 90-йиллар бошида Тожи-

кистондаги фуқаролар уруши дин билан боғлиқ сибейи ҳаракатлар хавфидан Фарбининг кўзини очиши керак эди.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон мамлакат ичида террор хунрезликларини ўз бошидан кечирган. Лекин мен у ерда бўлганимда, у ўтмишга айлангани равшан эди: сершовкин бозорлар, муҳташам меҳмонхоналар, кўзни қувонтирадиган фавворалар пойтахтдаги тинчлик ва осойишталикдан далолат беради. Тошкентдан ташқаридаги жойларни кўриш мақсадида таржимонимиз Маликага ҳамда Саид исмли йигитга ердан сўраб мувожаат этдим. Менга бу йигит ҳамма нарсадан хабардордек тўйилди. Мамлакатнинг бошқа қисмлари билан танишиш мақсадида биргаликда йўлга тушдик. Бу гал мен кутганимдан

ҳам кўп маълумот олдим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аксарият мамлакатлар ўзи тўғрисида ижобий тасаввур ҳосил қилишга уринади, лекин кўп ҳолларда у ерга боришга муваффақ бўлсангиз, бу тасаввур саробдан ўзга нарсга эмаслигига гувоҳ бўласиз. Ўзбекистондаги ҳолат тамоман бунинг аксидир.

Қариб минг йиллар давомида кўплаб босқинчиларга тобе бўлмасликка интилан қадимий Хива деворлари ортидан чиқиб келаётган қувшини кўриш мақсадида эрта тонгда уйғондим. Балки шунинг учун ҳам вақт бу ерда секин ўтарди. Бухородаги ҳаёт эса бир қадар фаол. У сахро бўйлаб олти соат йўл юганимиздан сўнг пайдо бўлган биринчи шаҳардир. Унда масжид, макбара ва ёдрорликлар сонсаноксиз.

Уларни кўриб, Самарқанднинг маҳобатли осори атиқаларини кўриш нияти янада ошди. Ҳарб санъатида тенгсиз Амир Темура сарҳадлари бепеён империя барпо этишга муваффақ бўлган. Самарқанд эса унинг улугворлиги рамзи бўлиб қолди. Саёхатларим давомида мен мовий рангли нақшлар билан безатилган, уч масжиддан иборат

Регистон сингари мўъжиза-корликни камдан-кам кўрганманки, улар эстетика ва ҳашамдорликнинг беназир намуналаридир. Регистон жамолани фақат Агрдаги заманимиз мўъжизаси — Тож Маҳал билан қиёслаш мумкин.

Ҳали кашф этиб улгурмаганимиз — Ўзбекистондек гангина билан ҳозирги муносабатлар эътиборга олинса, Европа парламентида ўзга ташкилот бу мамлакат билан мулоқотни ривожлантиришга муваффақ бўлиши амри маҳолдир. Бундай мулоқот кўпгина масалаларга барҳам беришга ишончим комил. Бу Ўзбекистон учун бўлгани сингари халқаро ҳамжамият учун ҳам муҳимдир. Айни пайтда Ўзбекистон террорчиликка қарши курашда бизнинг иттифоқимиз эканини унутмаслигимиз керак ва унинг саёй-ҳаракатлари рағбатлантирилиши зарур. Атиги икки йил бурун Тошкент ва Бухорода террорчилар томонидан аёвсиз портлашлар содир этилди. Лекин бу европаликлар нигоҳидан четда қолди. Шунинг учун Ўзбекистон билан мулоқотни давом эттириш жуда муҳимдир».

«Жаҳон» АА.

Фаргона вилояти фаолларининг навбатдаги йилгилишида жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш борасида сезиларли ўсишга эришилгани таъкидланди. Жумладан, йилнинг биринчи ярмида ялпи худудий маҳсулот — 5,6, саноат маҳсулотлари — 10 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 11 фоиз кўпайди.

ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФЙДАЛАНИБ

Фаргона вилояти ҳокими Ш.Нурматов бошқарган мазкур тадбирда Президентимиз Ислам Каримов томонидан шу йилнинг 10 феврал кунини Вазирлар Маҳкамаси йилгилишида белгилаб берилган энг муҳим устувор вазифаларининг ижросини таъминлаш борасида вилоятда амалга оширилган ишларнинг яқунлари атрофида муҳокама этилди. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларининг оширилиши, янги технологияларнинг жорий этилиши ҳамда чет эл инвестициясининг фаол жалб қилиниши туфайли ана шундай самарадорликка эришилаётгани таъкидланди.

Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш орқали 27 корхонада маҳсулотларнинг ўртача ойлик реализацияси 20 фоиз ортди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан янги иш жойлари ташкил қилиш режаси 109 фоизга бажарилди.

(Давоми 2-бетда).

НАВАТДАГИ СОНЛАРДА

ЎЗБЕКISTONDA ХАММАСИ ТАРТИБЛИ ТИЗИМДЕК ИШЛАЙДИ

Россиялик сибясатшунослар суҳбати

МИЛЛАТНИ АҚЛА-ЗАКОВОТ ЮКСАЛТИРАДИ

Депутатнинг дил сўзлари

ШАРШАРА — ЖАННАТМОНАНД ГЎША

O'ZSANOATQURILISHBANK:

ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР — МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК КЎЗГУСИ

Банк соҳаси бўйича халқаро тажрибага эга «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакат иқтисодийотидаги ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Банкнинг бутун фаолияти иқтисодийотда бозор ислохотларини чуқурлаштиришга йўналтирилган. Бунда асосий эътибор банкнинг молиявий бозордаги мавқеини кенгайтириб, банк капитали, активлар ва ресурслар базаси сифатини яхшилашга қаратилмоқда. Банк ва мижоз ўртасида ўзаро муносабат ўрнатилишига асосий тамойили — доимий конструктив мулоқот, мижозларнинг муаммолари ва эҳтиёжларига диққат-эътибор, қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш ва ахборотнинг ошқоралигидир.

Жорий йилнинг I-ярим йиллигида банк томонидан бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Банк тизимини ислох қилиш ва Ўзбекистон Республикаси бозор ислохотлари сиёсатини амалга ошириш дастурида фаол иштирок этаётган «Ўзсаноатқурилишбанк» доимий равишда ўзининг молиявий барқарорлигини ошириб, активлар сифати ва уларнинг даромадлигини яхшилаш орқали хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириб бормоқда.

меъёрларга оғишмай ривож этиди. Жорий йилнинг I-ярим йиллигида банкнинг асосий иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланган капиталнинг энг кам етарлилик коэффицентини 0,10 бўлгани ҳолда 0,137-0,146 даражада сақланиб турган бўлса, банк ликвидлиги кўрсаткичи меъёрда 30 фоиз бўлгани ҳолда 47,0 фоиздан 55,4 фоиз даражасида сақланиб турди.

Банк, айниқса, ресурс базасини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2006

мижозларга хизмат кўрсатишга қаратмоқда. Аҳолидан жалб этилган маблағларнинг ўсиб бораётганлиги уларнинг банклардан ишончи янада ортаётганлиги ҳамда банкнинг молиявий барқарорлик даражаси юқорилигини кўрсатади. Бутун банк тизимида жамғарма кассалар сони 182 тага етди. 2006 йил 1 июль ҳолатига аҳолининг миллий ҳамда чет эл валютасидаги омонатлари ҳажми 73,7 млрд.сўми ташкил этиб, уларнинг қолдиги йил бошига нисбатан 5,7 млрд.сўмга кўпайди.

Аҳолининг муддатли ва жамғарма омонатларидаги маблағлари миқдори 67,8 млрд.сўми ташкил этиб, шу йил 1 январь ҳолатига нисбатан 3,9 млрд.сўмга кўпайди. Уларнинг жами аҳоли омонатлари ҳажмидаги улуши 92 фоизни ташкил этиди.

Бундан ташқари, банк хусусий мижозларга коммунал хизматлар учун тўловларни қабул қилиш бўйича кенг имкониятлар яратиб бормоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоблар механизминини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида аҳолидан электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ, маиший хизматлар ва бошқа хизматларга тўловларни қабул қилиш учун 113 та махсус кассалар очилди. Аҳолига қулайлик яратиш ҳамда уларнинг коммунал хизматлар бўйича қарздорлигини қамайтириш мақсадида банк томонидан истеъмолчиларнинг бевосита яшаш жойларида хизмат кўрсатувчи кўча кассалар ташкил этилди. Жорий йилнинг I-ярим йиллигида жамғарма ва махсус кассалар орқали 27,5 млрд.сўмлик коммунал тўловлар қабул қилиниб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 баробарга ошди.

Банк томонидан олиб борилаётган оқилонга кредит сиёсати кредит портфелини йил бошига нисбатан 19,6 фоизга кенгайтириш имконини берди. Кредит портфели тузилмасида узоқ муддатли кредитларнинг умумий ҳиссаси 84,9 фоизни ташкил этиди. «Ўзсаноатқурилишбанк» иқтисодийотнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажминини ўстириб борган ҳолда sanoat, energetika, kurilish, aloqa va savdo korxonalar bilan hamkorlikni faol rivojlantirib bormoqda. Iqtisodiyotning reал sektorini rivojlantirishga йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 367,1 млрд.сўми ёки барча банк кредитларининг 99,9 фоизини ташкил этиди. Юридик ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар тегишлича 320,1 млрд.сўм ва 47,0 млрд.сўми ташкил этиди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш банк сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Хисобот даврида банк кичик бизнес, хусусий корхоналар ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни фаол ижро қилишга алоҳида эътибор қаратди. Узининг ва жалб қилинган маблағлар ҳисобига, шу жумладан, имтиёзли асосда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун миллий валютада 15,7 млрд.сўм, шу жумладан, инвестициявий

лоийхалар учун 8,3 млрд.сўм ва 2,2 млрд.сўмлик микрокредитлар йўналтирилди. Жумладан, кичик бизнес субъектларига тақдим этилган кредитларнинг умумий суммасида банкнинг ўз маблағлари улуши 15,0 млрд.сўми ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Бандлик хизмати маблағлари 726 млн.сўми ташкил этиди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари кўпайтириши рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан қорамоллар сотиб олиш учун 544,6 млн.сўм миқдорда микрокредитлар берилди ва шундан 347,5 млн.сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди.

Банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Ҳукумат дастурларида фаол қатнашиб келмоқда. Ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиқлари, юқори технологик ва инновациявий лойиҳаларни имтиёзли шартларда кредитлашга мўлжалланган имтиёзли фонд 10,2 млрд.сўм миқдорда шакллантирилди.

Ушбу фонд ҳисобидан умумий 20,4 млрд.сўм, шу жумладан жорий йилнинг 6 ойи давомида 3,4 млрд.сўмлик кредит тақдим этилди.

Аҳоли учун таълим кредити ва истеъмол кредити каби янги кредит маҳсулотларини жорий этиш улар ўртасида қўшимча мижозларни жалб қилишга ёрдам беради. Автомобиль, уй-жой жиҳозлари, радиоэлектрон товарлар, мебель ва узоқ муддат фойдаланиладиган бошқа товарлар сотиб олишга ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 36,2 фоизга ўсди. Қадрларни тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ хисобот даврида олий ўқув юртиларида шартнома асосида таълим олаётган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 68,0 млн.сўмлик таълим кредитлари берилди.

Банкнинг лизинг хизматлари янада ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг олти ойи давомида лизинг операциялари ҳажми 1,8 млрд.сўмга ошди ҳамда 9,2 млрд.сўми ташкил этиди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида миллий валютада молиялаштириш билан бир қаторда чет-эл валютасида кредитлаш бўйича фаол иш олиб борилди. Чет эл валютасидаги кредит қўйилмаларининг умумий миқдори 130,8 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,4 млн. АҚШ долларига ошди. Молиялаштириш халқаро молиявий институтларнинг кредит линиялари билан бир қаторда банкнинг ўз маблағлари ҳисобига ҳам амалга оширилди.

Ҳозирги кунда банкда ЭКА «Гермес» суғурта қопламаси остида Германиядан (Коммерцбанк АГ, Байрише-Ландес Банк АГ, Банкгезельшафт Берлин АГ) технология ускуналари экспортини молиялаш, ЭКА «Эгип» суғурта қопламаси остида Чехия экспорт банки, ЭКА «СИНШУР» суғурта қопламаси остида ICBC Хитой банки кредит линияси, ЭКА «САЧЕ» суғурта қопламаси остида Италия тижорат банклари (БНЛ) кредит линиялари очилди.

Бундан ташқари, хисобот даврида банк хорижий капитални жалб қилган ҳолда йirik инвестициявий лойиҳани молиялаштиришни амалга оширди. ICBC Хитой банки кредит линияси бўйича Қўнғир сода заводи қурилиши лойиҳаси ўзлаштирилиши давомида ЭКА «Эгип» суғурта қопламаси остида Чехия экспорт банки, ЭКА «СИНШУР» суғурта қопламаси остида ICBC Хитой банки кредит линияси, ЭКА «САЧЕ» суғурта қопламаси остида Италия тижорат банклари (БНЛ) кредит линиялари очилди.

Бугунги кунда халқаро молиявий институтлар билан фаол иш олиб бориш натижасида Осие Ривожланиш Банки КВФнинг янги кредит линияларини жалб этиш имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Россиянинг «Внешторгбанк», «Газпромбанк», «Сбербанк» каби йirik банклари билан алоқалар ўрнатилмоқда. Франциянинг Natexis банки билан ЭКА «COFACE» суғурта қопламаси остида нефтьга тармоқлари лойиҳаларини молиялаштиришда биргаликда иштирок этиш учун ишлар олиб борилди.

Хисобот йилида стратегик аҳамиятга эга бўлган йirik корхоналар қурилишларини кредитлаш давом эттирилмоқда.

Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанк» инвестициявий дастурларни амалга оширишда фаол иштирок этиди. Хисобот санасида банк 412,1 млрд.сўм ҳажмидаги объектни молиялаштирди, шундан республика бюджети ва бюджетдан ташқари манбалар маблағлари 197,2 млрд.сўми ва корхоналарнинг ўз маблағлари 172,3 млн.сўми ташкил этиди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» пудратчи ташиқлотларни қўллаб-қувватлашда ва марказлашган манбалар ҳисобидан тайёр ҳолда амалга ошириладиган объектлар қурилишида ҳам катта ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Инвестициялар барқарор ва ликвид қимматли қозғолар портфелини шакллантиришга йўналтирилди. Пул бозоридagi ўз фаолиятини ошириш билан бир қаторда «Ўзсаноатқурилишбанк» битимлар ҳажми бўйича ҳамда молиявий инструментлар сони ва операциялар турини кўпайтириш борасида фонд бозоридagi ўз операцияларини ривожлантириб бормоқда. Айниқса, банк корпоратив облигациялар билан операцияларни жадал ўтказиб бормоқда. Молиявий сектор, машинасозлик, йirik суғурта компаниялари, қурилиш индустрияси, улгуржи-чакана савдо, транспорт ўз капиталини инвестициялашнинг иқтисодийотдаги устувор тармоқлари ҳисобланади. Банкнинг инвестициявий портфели 3,5 млрд.сўми ташкил этиб, йил бошига нисбатан 1,4 млрд. сўмга ўсди. Бундан ташқари, банк бирламчи дилер сифатида давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида ҳам иштирок этиб келмоқда. 2006 йил 1 июль ҳолатига давлат қимматли қозғолар портфели



минлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига асосан банк филиалларида мижозларга нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш учун нақд пул маблағлари захираси ташкил қилиниб, бу тезкор бошқаришга қўмаклашди ва мижозлар буюртмаларини қондириш учун бўш турган нақд пул маблағларининг етарли ҳажминини таъминлаш имконини беради. Нақд пул маблағлари билан таъминлаш масалаларига тезкор жавоб бериш ва салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефонлари» ўрнатилган.

Хизмат кўрсатилувчи корхона ва ташиқлотларнинг молиявий аҳолини барқарорлаштириш, уларнинг тўлов иртизоини мустаҳкамлаш борасида банк томонидан мунтазам ишлар олиб боришмоқда. Мижозларнинг қизиқишлари инноват олиниб, улар учун халқаро бозор талаблари асосида хизмат кўрсатиш мақсадида жорий йилда банкнинг вакиллик тармоқларини ривожлантириш бўйича ишлар давом эттирилди. Россия банклари билан музокара олаб борилади. Жами 165 та хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатилди.

Корпоратив мижозлар билан валюта операцияларини ривожлантириш асосида банк жисмоний шахслар билан хорижий валюталарни сотиш ва сотиб олиш каби валюта операцияларини амалга ошириш учун валюта айирбошлаш шохобчалари тармоғини кенгайтирмоқда. 2006 йил 1 июль ҳолатига банк тизимида аҳолига 154 та валюта айирбошлаш шохобча-

наётган хизмат турларидан бири бўлиш мини-банклар тармоғини кенгайтириш асосий вазифалардан бўлганлиги сабабли уларнинг сони 78 тага етказилди. Бундан ташқари, мижозларнинг банк хизматларидан тизим орқали узлуксиз фойдаланишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида хўжалик субъектларига бевосита иш жойининг ўзида молиявий хизматлардан фойдаланиш имконини берувчи 209 та «Банк-Мижоз» дастури муваффақиятли ишлатилмоқда.

Банк ўз тўлов тизимини такомиллаштириш, замонавий банк технологияларини қўллаш, шу жумладан пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг 1 июль ҳолатига 730,5 мингта пластик карточкалар муомаласа чикарилиб, улар сони йил бошига нисбатан 1,7 мартага ёки 296,7 мингтага ошган. Ушбу кўрсаткич пластик карточкалар эгаларининг махсуслотлар ва хизматлар учун амалга ошираётган нақд пулсиз тўловларни сони ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли савдо нуқталарида 1706 та, жамғарма кассалар ва мини банкларга 238 та жами 1944 та терминал ўрнатилди. Аҳолини нақд пул маблағлари билан таъминлаш учун 22 та банкотам ишлатилмоқда.


I-ярим йилликда пластик карточкалар орқали амалга оширилган пул айланиши 12,6 млрд.сўми, жумладан савдо нуқталарида 7,7 млрд.сўми ёки жами сумманинг 61 фоизини ва жамғарма кассаларида 4,9 млрд.сўми ташкил этиди.

Корхона ва ташиқлотларда иш ҳақи лойиҳаларини жорий қилиш бўйича ишлар давом эттирилиб, уларнинг сони 1250 тага етказилди.

Мижозларга кўрсатиладиган хизматлар турини кенгайтириш мақсадида банк юридик шахсларга миллий валютада кундалик нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш, шунингдек SMS-сервис дастуридан фойдаланиш имконини берувчи Visa Business корпоратив пластик карточкаларини чикара бошлади. SMS-Banking хизматидан фойдаланувчи мижоз тезкор равишда унинг карточкаси орқали амалга оширилган операциянинг вақти ва маблағ миқдори тўғрисида SMS-хабар олади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» доимий равишда молия бозоридagi ўз маҳсулотлари ва хизматларини такомиллаштириб боришга интилади. Акциядорларнинг мунтазам қўллаб-қувватлаши ҳамда аҳоли, хўжалик субъектлари, инвесторлар ва ҳамкорларнинг банкка бўлган ишончининг юқорилиги «Ўзсаноатқурилишбанк»ни келажакда ишонч билан қарашга ундайди.

Банкнинг ривожлантириш стратегияси ҳақда
Активлар ва пасивлар бошқармалари билан биргаликда тайёрланди.



Хисобот даврида банкни капиталлаштириш жараёни давом этди. Жумладан, 2006 йил 1 июль ҳолатига банкнинг ўз маблағлари 55,3 млрд.сўм миқдорда шаклланиб, жорий йил бошига нисбатан 32,6 фоизга ўсди.

Акцияларни қўшимча эмиссия қилиш натижасида биринчи ярим йилликда устав капитални ҳажми 33,6 фоизга кўпайиб, 15,1 млрд.сўми ташкил этди. Банк активлари эса 642,5 млрд.сўмга етказилиб, йил бошига нисбатан 18,4 фоизга ўсди.





Активларнинг умумий ҳиссасида даромад келтирадиган активлар 70,5 фоизни ташкил этди. Активларни шакллантиришда банк хатарларни бошқариш стратегиясига амал қилган ҳолда, ликвидлик даражасининг етарлилигини сақлаб туришга, активлар ва пасивлар структурасини муддатлар ва валюта тури бўйича мувозанатлаштиришга, қўйилмаларнинг ҳудудлар, тармоқлар, мижозлар ва миждорлар бўйича кенгайтириш диверсификациялаш даражасини таъминлашга интильди.

Банк томонидан ўтказилаётган операциялар ҳажмининг кенгайтириш, активлар структурасининг оптималлашуви 2006 йилнинг I-ярим йиллигида олинган даромадлар миқдорини кўпайтиришга имконият яратди. Шунингдек, банк активларнинг 57,2 фоизини ёки 367,3 млрд.сўми кредит қўйилмалари ташкил этди. «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолияти давомида Марказий банк томонидан ўрнатилган барча мажбурий иқтисодий

рининг кредит ресурсларидаги умумий улуши 64,5 фоизга етди. Банк ушбу маблағлар ҳажминини ошириб бориш билан бир қаторда мақсадли давлат дастурини бажариш учун жалб қилинган марказлашган ресурслар улушини қамайтириб бормоқда. Хисобот санасига уларнинг умумий ресурслар ҳажмидаги улуши 10,1 фоиздан 8,7 фоизга камайди.

Банк ресурс салоҳиятини кўпайтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилмоқда. 2006 йил 1 июль ҳолатига депозит ҳисобварақларидаги қолдиқлар 312,7 млрд.сўмга етди. Жумладан, муддатли ва жамғарма депозитларнинг умумий қолдиқдаги улуши 85,6 млрд.сўм ёки 39 фоизни ташкил этди.

Банк асосий эътиборини банк фаолиятининг кескин ривожланиб бораётган йўналишларидан бири ҳисобланган аҳолининг юқори сифатли банк маҳсулотлари ва хизматлари билан талабларини қондиришга ва хусусий



ИПОТЕКА BANK



... шундай пайтлар бўладики,
кутилмаган харидлар
бизга қувонч
бахш этади

«Ипотекабанк» пластик карточкалари — бу сизнинг махсулотлар харидидаги янги имкониятларингиз. Карточкани расмийлаштириш ва уни қўлашнинг энг осон йўллари тақлиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 13000 дан ортиқ терминаллар сизнинг хизматингизда.



Хизматлар лицензияланган
WWW.IPOTEKABANK.UZ

Банк хизмати


Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишида пул-кредит сиёсатининг асосий омилларидан бири бу нақд пул сиёсатини тўғри тартибга солиш ва нақд пул муомаласини ривожлантириш ҳисобланади. Барча тараққий этган давлатлар таърибасида нақд пул муомаласига қараганда нақд пулсиз ҳисоб-китоб алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу янгиликни жорий этиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш орқали уларнинг пластик карточкага бўлган ишончини орттириш, кўрсатиладиган хизмат маданияти ва сифатини янада яхшилаш янги махсулотларни жорий этиш — «Асака» банкининг бугунги кундаги устувор йўналишларидан биридир.



ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ЗАМОНАВИЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ

«Асака» банки молия бозоридида ўзининг пластик карточкалари билан 1999 йилдан катнашиб келмоқда, муомалага чиқарилган карточкалар сони, уларга хизмат кўрсатадиган савдо терминаллар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш, коммунал тўловлар, ёқилги куйиш шохобчалари томонидан савдога қабул қилинаётган карточкалар сони ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Мазкур соҳани янада ривожлантириш, пластик карточкалар орқали сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида янги хизмат турларини яратиш ишлари олиб борилмоқда. Банк томонидан пластик карточка орқали «Овердрафт» кредити берилади, терминаллар орқали савдо айланмасини кўпайтириш мақсадида шохобчаларга янги «Лоялиги», яъни мижозларга бонуслар йиғиш орқали кўшимча мукофотлар бериш дастурлари киритилди. Хусусан, «Асака» банки томонидан 150 минг донадан ортиқ пластик карточка муомалага чиқарилди. Ойлик маошнинг пластик карточкаларга ҳисоблайдиган корхоналар ходимларига замонавий восита орқали истеъмол кредитларини 4 ойлик маош миқдоридида олишни тақдим этмоқда. «Асака» банки ис-

1999 йилдан 2006 йил 1 июлгача бўлган давр ичида пластик карточкаларни қабул қилиш учун «Асака» банки томонидан ўрнатилган терминаллар сони



теъмол кредит карточкалари мижозлар учун қўлай банк махсулоти бўлиб ҳисобланади. 2006 йилда банк кредит лимитининг 860 млн. сўм умумий суммасида 3100 дан ортиқ карточкага истеъмол кредитлари банк томонидан берилди.

Бугунги кун ҳолатига пластик карточкалар орқали савдо айланмаси 11,2 млрд. сўмни ташкил этди. 1999 йил 1 январидан то 2006 йил 1 январь давригача бўлган жами савдо айланмаси 5,95 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2006 йил ярим йил давомида бу кўрсаткич 5,25 млрд. сўмни ташкил этди, бу жами савдонинг 48 фоизи демакдир.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган маблағлар айланмасини ошириш мақсадида, банк савдо ва сервис корхоналарига тўлов терминаллари

рени имтиёзли шартларда ижара тўловини кам миқдорда, алоҳида ҳолатларда эса дастлабки босқичда ижара тўловисиз ўрнатишни тавсия қилмоқда. Ҳозир савдо ва

1999 йилдан то 2006 йил 1 июлгача, товар ва хизматлар учун пластик карточкалар орқали амалга оширилган тўлов операциялари бўйича маблағ айланмаси 11,2 млрд. сўм.



хизмат кўрсатиш тармоқларига банк ўз савдо терминалларини қелишилган шартлар асосида ижарага бериши мумкин. Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш кафолатланади.

«Асака» банки пластик

карточкалари орқали ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш учун қўлай шароитларнинг яратилишида республика Ҳукумати, Марказий банк, Банклар уюшмаси томонидан пластик карточкаларни ривожлантириш масаласига қаратилган диққат-эътиборни алоҳида таъкидлаш лозимдир. Пластик карточкалар эгаси электрон ҳамёни нафақат нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг қўлай усули эканлигини, балки бир томондан карточка соҳибидаромадларини оширишга имконият берувчи, бошқа томондан давлатимизнинг банк айланмасига пул маблағларини жалб қилишни оширишга кўмаклашувчи бутун

жаҳонда тан олинган илғор молиявий восита эканлигини тушунишмоқда. Бу борадаги саволлар билан «Асака» банки ишонч телефон рақами — 120-82-88 га мурожаат этишингиз мумкин.

БАНК МАТБУОТ ХИЗМАТИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИГА 2006/2007 Ўқув йили учун тингловчилар қабул қилиш қоидалари

Академияда куйидаги факультетлар фаолият кўрсатади:

- а) «Банк иши»;
б) «Лойиҳаларни молиялаш»;
в) «Молия»;
г) «Солиқ иши»;
д) «Банк, молия ва солиқ раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш» факультети.

Мутахассислар тайёрлаш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш кундузги таълим шаклида амалга оширилади.

Академия факультетларида юқори малакали мутахассислар қуйидаги ихтисосликлар бўйича тайёрланади:

- а) «Банк иши» факультетида:
- пул муомаласи ва монетар сиёсат;
- банк менежменти: актив ва пасивларни бошқариш;
- халқаро молия бозорларидаги операциялар;
- банк аудити;
- б) «Лойиҳаларни молиялаш» факультетида:
- инвестицион лойиҳалар таҳлили, экспертизаси ва уларни молиялаштириш;
- в) «Молия» факультетида:
- давлат молиясини бошқариш;
- қимматли қозғалар ва фонд бозори;
- сугурта иши;
- молия аудити;
- г) «Солиқ иши» факультетида:
- солиқлар ва солиққа тортиш.

Академия факультетларига тингловчилар олий таълим муассасасини тугатгандан сўнг республика банк-молия ва солиқ муассасаларида камидан икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда камидан бош мутахассис, бош иқтисодчи ва бош назоратчи лавозимларида фаолият юритаётган мутахассислардан танлов асосида саралаб олинади. Назарий ўқув курсини муваффақиятли тугатган тингловчилар Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларига таърибга орттириш учун юбориладилар ва танланган ихтисослик бўйича магистр унвони олиш учун диссертация ҳимоя қиладилар.

Академиянинг ўқув дастурини муваффақиятли ўтаган битирувчиларга давлат намунасидаги иқтисод магистри дипломи берилди.

Академиянинг малака ошириш факультетида тингловчилар банк-молия ва солиқ тизимининг амалиётчи раҳбар ходимларидан қабул қилинади. Ўқиш муддати 3 ойгача бўлиб, банк-молия ва солиқ ишлари бўйича асосий курсларни ўтиш, шунингдек етакчи банк, молия ва солиқ муассасаларида таърибга орттириш ҳам шунга қиради. Малака ошириш факультетини битирганларга белгиланган нусхадаги гувоҳнома берилди.

Академияда ўқишни муваффақиятли битирган тингловчилар орасидан республика банк, молия ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 2 майдаги Фармонига мувофиқ академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари халқаро банк ва молия ишларидаги энг янги ютуқларни ўқитиш йўли билан банк, молия ва солиқ ишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, банк-молия тизимидаги раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, мамлакатимизнинг молия-кредит ва солиқ тизимини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишдан иборатдир.

Академия Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантиришнинг замонавий талаблари ҳамда давлат таълим андозалари, жазон ва миллий банк-молия фани ва амалиёти ютуқларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган режа ва дастурлар асосида ўқув ва таълим фаолиятини амалга оширади.

Академиядаги чет тилларни ўрганишнинг чуқурлаштирилган ўқув ва факультатив дастури тингловчиларнинг таълимни тугатганда чет тиллардан бирини амалда тўлиқ билишларини таъминлайди.

Ўқув жараёни, илмий ва амалий тадқиқотларни юксак даражада ташкил этиш ва олиб бориш учун етакчи халқаро молия институтлари ва жаҳон тижорат банкларининг маслаҳатчилари, экспертлари ва мутахассислари жалб этилади.

солиқ муассасаларида раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш учун захира тузилади. Академияни юқори рейтинг кўрсаткичлари билан битирганлар молия, банк ва солиқ тизимлари учун бошқарув бўлини раҳбар кадрларини танлашда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

1. Тингловчилар академияга қабул комиссияси томонидан қабул қилинади. Қабул комиссиясининг таркиби Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси билан келишилган ҳолда академия ректори томонидан тасдиқланади.

2. Академия белгиланган ўринлар меъёрига мувофиқ «банк иши» факультетида 47 нафар, шу жумладан 26 нафар давлат грантлари, 21 нафар тўлов контракт, «лойиҳаларни молиялаш» факультетида 23 нафар, шу жумладан 13 нафар давлат грантлари ва 10 нафар тўлов контракт, «молия» факультетида 46 нафар, шу жумладан 26 нафар давлат грантлари ва 20 нафар тўлов контракт ҳамда «солиқ иши» факультетида 10 нафар давлат грантлари асосида қабул қилади.

3. Хужжатлар 2006 йил 5 сентябргача қабул қилинади. Қабул комиссиясига қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

- банк, молия ва солиқ муассасалари раҳбарларининг тавсиянома-

- йўлланмалари;
- ариза (ихтисослик кўрсатилган ҳолда);
- олий маълумот ҳақидаги дипломнинг асл нусхаси (баҳолар иловаси билан);
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма;
- №086 шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 3,5x4,5 см ўлчамли 6 дона рангли фото сурат.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги хужжатларнинг асл нусхалари шахсан кўрсатилади.

4. Академиянинг банк иши, лойиҳаларни молиялаш, молия ва солиқ иши факультетларига кирувчилар учун 2006 йил 2 сентябрдан 7 сентябргача кириш имтиҳонлари юзасидан консултациялар уюштирилади.

5. Академияда кириш синовлари 2006 йил 7

сентябрдан 16 сентябргача компьютерда тест ва чет тилидан сўхбат орқали ўтказилади.

Компьютер тест синовлари муайян ихтисослик ва фанлар блоклари бўйича ўтказилади:

- а) «Банк иши» факультети учун:
- иқтисодиёт назарияси, банк иши, пул муомаласи ва монетар сиёсат, халқаро валюта-кредит муносабатлари, банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит, банк менежменти ва маркетинги;
- б) «Лойиҳаларни молиялаш» факультети учун:
- иқтисодиёт назарияси, банк иши, инвестицияларни ташкил этиш ва уларни молиялаштириш, корхона ҳўжалик фаолиятининг таҳлили, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, халқаро валюта-кредит муносабатлари, банк менежменти ва маркетинги;
- в) «Молия» факультети учун:
- иқтисодиёт назарияси, молия, молиявий менежмент, қимматли қозғалар бозори ва биржа иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, сугурта иши.

г) «Солиқ иши» факультети учун:
- иқтисодиёт назарияси, молия ва кредит, корхона ҳўжалик фаолиятининг таҳлили, солиқлар ва солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, давлат ва ҳўқуқ асослари.

Академияга кирувчилар демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари бўйича компьютерда тест синовларидан ҳамда чет тиллардан сўхбатдан ўтадилар. Тест ўзбек ёки рус тилларида ўтказилади.

6. Конкурс танлови академиянинг қабул комиссияси томонидан рейтинг тизими бўйича сўхбат ва компьютерда тест синовлари натижалари асосида (ихтисослик йўналиши ва ўқитиш тиллари бўйича алоҳида) ўтказилади.

7. Ўқиш даврида тингловчиларнинг асосий иш жойларидаги ўртача иш ҳақлари сақлаб қолинади. Бошқа шахарлардан келганларнинг йўл ҳақлари, шунингдек, ётоқхона ҳақи йўлланма берган ташкилотлар зиммасига юкланади.

Тўлов-контракт асосида қабул қилинадиган тингловчилар ҳамда хорийий давлатлар вакиллари шартнома (битим) асосида ўқитилади. Шартнома (битим) тузиш шартлари, ўқиш учун тўлов ҳақининг миқдори ва муддатлари академиянинг қабул комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон банклари Ассоциацияси билан келишилган ҳолда белгиланади.

8. Қабул комиссиясининг қарори 2006 йил 26 сентябрдан кечикмай эълон қилинади ва у тингловчилар ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ чиқаришга асос бўлади.

9. Ўқиш 2006 йил 2 октябрдан бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамидулла Орипов кўчаси, 16-уй.
Тел: 68-66-84, 68-38-10, факс: 68-25-21.
Веб-сайт: www.bfa.re.uz e-mail: bfanet@uzsci.net

Кўшимча кучлар киритиш давом этмоқда

«Франс пресс» ахборот агентлигининг хабар беришича, АКШ Ироқда хавфсизлик чораларини кучайтириш мақсадида кўшимча ҳарбийлар жўнатиши...

журналистларга маълум қилинишича, ал-Маликий билан биргаликда Бағдоддан Америка ҳарбийларининг бир қисми яқин ҳафтала...

тилишни билдирганди. Агар ушбу режа амалга ошадиган бўлса, Ироқда Америка контингенти 127 минг нафарга етади.




қайд этишича, ҳозирча Ироқнинг янги ҳукумати мамлакат аҳолиси хавфсизлигини мустақил тарзда ҳимоя қила олмайди.

Парламент тарқатиб юборилдими?

Украина президенти Виктор Ющенко мамлакат парламентини тарқатиб юбориш ваколатига эга бўлди. Мамлакат олий қонунчилик органига сайлов бўлиб ўтгандан сўнг, Украина қонунчилигига кўра, 60 кун мобайнида ҳукумат шакллантирилиши керак.

Айтмасам бўлмас...

Мустақиллик даврида Ватанимиз бағрида кўпдан-кўп обод, серфайз, ажойиб зиёратгоҳлар дунёга келди ва улар халқимизнинг энг азиз маънавий қадриятлари қаторидан фахрли ўрин олди.



ЗИЁРАТГОҲЛАР ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДАМИ?

Президентимиз 1998 йил 23 октябрда, Самарқанд вилоятида, буюқ муҳаддис бобаклонимиз Имом Бухорий хоки ётган жойларда тикланган муаззам зиёратгоҳнинг тантанали очилиш маросимида сўзлаган маърузасида, жумладан, шундай деган эдилар:

ни сочиб туриши — давр ва умумтараққиётимиз талабидир. Аслида ҳам, жойлардаги кўпгина зиёратгоҳларимиз худди шундай табаррук ва зифаларга хизмат қилмоқда, ҳалқни, жумладан, ёшларни хидоят йўлига бошламоқда.

ни қуритувчи «текин томоқ» кимсалар анча-мунча учрайди. Зиёратгоҳлар йўлида бундайларнинг бирдан бир амаллаб қутулсанг, иккинчисига тутилсанг ва ҳоказо...

«Биз эски тузум, эски мафкура зугумидан ҳолос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуг инсонлар авлоди эканлигимизни, қандай бой ва бетакорр маънавий мерос ворислари эканлигимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик».

Шу билан бирга, гапнинг очигини айтганда, табаррук қадамжоларимиздаги мавжуд ҳаёт ва бу даргоҳлардаги ҳодимлар фаолиятини замон талаблари асосида сифат жиҳатида тубдан яхшилашга эҳтиёж каттаки, бундан кўз юм-маслигимиз керак.

Этироф этайлик. Зиёратгоҳларнинг мухтассос ҳодимлари бу масканларнинг барпо этилиши тарихи, уларнинг иқтимоий-маънавий ҳаётдаги ўрни тўғрисида зиёратчиларга анча мароқли бир йўсинда ҳикоя қиладилар. Бу яхши, албатта. Аммо таъриф этган зиёратчилар қалбида ва онгида: «Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Накшбанд, Мотуридий ёки Марғиноний қимди? Қандай ўзига ҳос таълимлари ва хизматлари учун улар замонамизда бу қадар юксак

Чиндан ҳам, Истиклол даврида мамлакатимизда бу борада оламшумул ишлар қилинди. Бу эса халқимизнинг миллий тарих олдидики маънавий-инсоний бурчи эди.

Шуни фахр билан айтмики, дини ислом пирю алломаларининг деярли ярами мана шу икки заминда кўз оған ва фаолият олиб боришган. Уларнинг орасида Аҳмад Яссавий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Бурхониддин Марғиноний, Мотуридий, Нахиддин Кубро, Абдуллохлиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Накшбанд, Хожа Аҳорр Валий, Зағни ота... каби буюқ ватандошларимиз алоҳида ажралиб турадилар. Халқимиз шон-шухратини дунёга ётган, шарофатли ўз таваллулари билан Ватанимизни муқаддас заминлардан бигира айлантирган бундай сиймоқ билан фахрланмаслик, уларнинг номини азиз тутмаслик, хотирларини эъзозлашмаслик сира-сирани мумкин эмас.

«Юқорида баён этилган фикрларнинг узвий давоми сифатида биз яна бир мулоҳазамизни айтиб ўтгимиз келди. Гап шундаки, зиёратгоҳларга кўч-кўч қилиб, ҳар ким ўз имконига қараб, жамгарма бистотиға хайру эҳсонларини атайдилар. Бундай маб-лаб зиёратгоҳлар хазинасига деярли ҳар кун — бирда оз, бирда кўп бўлса-да —

буғун ўзбекистонда бу улуг алломалардан қолган бебаҳо маънавий мерос атрафлича ўрганилмоқда, асарлари нашр этилмоқда. Уларнинг ётган жойлари, ён-атрофлари мунаваар гушага, зиёратчиларнинг қалбига руҳий-маънавий куч ато этадиган қадамжоларга айлантирилмоқда. Бу зиёратгоҳлардан эл қадами бирон лаҳза бўлсин, узилайди. Бу масканларга хорижий давлатлардан ҳам ихтосманлар ва сайёҳлар тўғрисида таъриф этмоқдалар.

«Зиёратгоҳ» иборасининг неғизда зив сўзи турибди. Бу дегани, зиёратгоҳларимиз малакали ўз маънавий, диний ва ахлоқий тарбияти ҳақида қувонarli, эзгу инсоний амаллари билан одамлар онига ва руҳиятига маърифат, маънавий-ахлоқий нур, ҳикмат ва ибрат ёғдуларини сочиб турса, қандай яхши!

«Зиёратгоҳ» иборасининг неғизда зив сўзи турибди. Бу дегани, зиёратгоҳларимиз малакали ўз маънавий, диний ва ахлоқий тарбияти ҳақида қувонarli, эзгу инсоний амаллари билан одамлар онига ва руҳиятига маърифат, маънавий-ахлоқий нур, ҳикмат ва ибрат ёғдуларини сочиб турса, қандай яхши!

M. САФАРОВ.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Мустақилликми ёки мухторият?

Сербия ва Косово раҳбарияти ўртасида биринчи бор Венада БМТ ҳомиийлигида музокаралар бўлиб ўтди. Бу ҳақда халқаро ҳамжамиятнинг минтақадаги махсус вакили Марти Ахтисаари маълум қилди.

ни ҳам батафсил ўрганиб чиққан Ахтисаари серблар Косовога мустақиллик беришдан ташқари барча шартларга рози эканлигини билдирди. Музофот аҳолисининг қарийб 90 фоизини албанлар ташкил қилади ва улар айнан Сербиядан мустақилликни талаб қилишмоқда.

рашиб, мавжуд зиддиятли муаммоларни обдон муҳокама қилишди. Серблар делегациясига президент Борис Тадич ва бош вазир Виоислав Кочунгица раҳбарлик қилмоқда. Косоволикларга эса музофот президенти Фатмир Сейдиу ва ҳукумат раҳбари Агим Чегу бошчилик қилмоқда.

Венада бўлиб ўтган мазкур учрашувда биринчи бор минтақаларнинг етакчилари юзма-юз учрашди.

БМТ кузатувчиларига ҳужум

Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ливанга бомба ёғдиришда давом этмоқда. Сешанба кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчликпарвар кучлари таркибиде бўлган қуролсиз ҳарбий кузатувчилар жойлаштирилган Хиям қишлоғи ҳам ракеталар нишонига айланди.

катларни жойида кузатиб боришмоқда. Исроил ҳукумати бўлиб ўтган воқеадан афсусда эканлигини маълум қилиб, БМТ кузатув постига йўлланган ҳаво ҳужуми юзасидан текширув олиб боришга ваъда берди.



12 июль кунини «Ҳизбаллох» гуруҳи томонидан икки исроиллик ҳарбийнинг гаровга олиниши билан бошланиб кетган уруш оқибатида 380 нафар ливанлик ва 42 нафар Исроил фуқароси қурбон бўлди. Кунин-кеча «Ҳизбаллох» етакчиси телевидение орқали чиқиш қилиб, Исроил билан ҳеч қандай тинчлик битимиға эришмаслигини ҳамда расмий Қуддусга қарши олиб борилаётган уруш янги босқичга кўтарилишини таъкидлади.

Исроил мудофаа вазири Амир Перец Ливаннинг жанубига қўйилган кучлар кирмай туриб, бу ҳудудда «хавфсизлик зонаси» яратилишини маълум қилди.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Газетамизнинг шу йил 8 июнь сониде «Омонхона қачон обод бўлади?» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган бўлиб, унда сихатгоҳда дам олувчилар учун хизмат кўрсатиш, яратилган шарт-шароитлар етарли эмаслиги қаламга олинган, айни пайтда бу муқаддас жойға алоҳида эътибор зарурлиги хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди.

Мазкур мақола юзасидан Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари П.ТАНҒРИЕВ имзоси билан таҳририятимизга расмий жавоб келди. Унда шундай дейилади:

«Танқидий мақола мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, «Омонхона» шифо оромгоҳининг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Азалдан элимиз шу ҳудудда жойлашган Ҳазрати Султону Вали, шунингдек, Камари Азиз қабрларини зиёрат қилиб келишган ва муқаддас булоқ суви-

дан шифо топишган. 1993 йили бу ҳудуд соғлиқни сақлаш тизимиға олиниб, 25 ўринли шифо масканиға айлантирилган. Эндилеҳда сихатгоҳ ҳудудида 3,5 гектар майдонға ўн мингдан ортиқ жойлашган Ҳазрати Султону Вали, шунингдек, Камари Азиз қабрларини зиёрат қилиб келишган ва муқаддас булоқ суви-

лар яратиш бўйича амалий ишлар давом эттириляпти. Мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг бартараф этилиши вилоят ҳокимлиги томонидан назоратға олинди».

Мазкур расмий жавоб саҳифаланиётганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш профилактика ёрдами Бош бошқармаси бошлиғи Ш.ҲОШИМОВдан ҳам «Омонхона қачон обод бўлади?» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан юқоридагидек мазмунда жавоб хати олдиқ.

Наманганда Фаргона водийси журналистларининг «Озод элим, обод юртим» мавзуда амалий семинари бўлиб ўтди.

ИЖОДИЙ МУЛОҚОТЛАР

Унинг иштирокчилари дастлаб вилоятнинг диққатга сазовор жойларида бўлиб, амалға оширилётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Сўнгра ижодий мулоқотлар бевосита оммавий ахборот воситалари идораларига кўчди. Вилоят телерадиокомпаниясининг энг сўнгги русумдаги телевизион узатиш воситалари билан жиҳозланган замонавий биноси, бу ерда тайёрланиб эфирға узатилаётган курсатувлар сифати, «Олтин замин» радиоси имкониятлари меҳмонларда чукр таассурот қолдирди. «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталари таҳририятларидаги учрашувда эса соҳадаги муаммолар, уларнинг ечимлари юзасидан кизгин баҳслар бўлди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда вилоятда жамоатчилик минбарига айланиб бораётган матбуот нашрлари анчагина. Улар жамиятни демократлаштириш, мамлакатда амалға оширилаётган ислохотлар ижросида фаол қатнашмоқдалар.


Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятигаз учун! «ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНИГИЗ КАЛИТИДИР!

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD ADI International Panasonic Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности. Системы видеонаблюдения. NOBIE ПОСТАВКИ! профессиональное качество по привлекательным ценам

ТАВАККАЛ КИЛИШНИНГ НИМА КЕРАГИ БОР? ЗАЧЕМ РИСКОВАТЬ? Хақиқий Исползуй Настоящий Microsoft Windows xp ИШЛАТИНГ

Қайта туғилаётган обидалар




Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий анъаналаридан ҳисобланади. Шу боис ҳам хунармандлар шаҳри Марғилонда катта тўйга ҳозирлик қизгин паллага кирган.

Шаҳардаги Пирсидиқ мажмуаси, Бурхониддин Марғиёний чиллаҳонаси сингари тарихий обидалар қайта таъмирланмоқда, 1,5 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари амалга ошириляпти. Бундай хайрли ишдан мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидан, хусусан Қорақалпоғистон,

Тошкент ва Фарғонадан келган қўли гул усталар ҳам четда қолаётганлари йўқ. Эътиборли томони шундаки, усталарнинг барчаси Абдухалиқ Ғиждувоний жомъе масжиди, Шаҳрисабздаги Ҳазрати Имом масжиди таъмири ва қурилишида иштирок этишган.



СУРАТЛАРДА: 1. Пирсидиқ мажмуасининг таъмирлангунча бўлган кўриниши. 2. Яқин кунларда мажмуа ана шундай кўринишга эга бўлади. 3. Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш усталари Ҳамидулла Эшонхонов ва Аббосхон Нишонновлар иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Театр

Каттакўрғон шаҳридаги бу санъат даргоҳи муқаддам «Ҳақиқат», «Колхоз-совхоз театри» номлари билан фаолият кўрсатган. Утган асрнинг ўрталаридан мусиқали драма ва комедия театри мактабини олган. Кейинчалик эса Каттакўрғон шаҳар Узбек давлат драма театри атамаси унинг ҳақиқий номига айланди. Айни пайтда у истеъдодли шоир, театр ташкилотчиларидан бири Абдулҳамид Маждий номи билан аталмоқда. Узоқ йиллардан буён санъат ошфоталарига хизмат кўрсатиб келаётган мазкур масканининг ўтмиши ва бугуни ҳақида театр раҳбари, таниқли драматург Абдуазиз ҲОШИМОВ билан суҳбатлашдик.

САҲНАДАН САБОҚ БЕРИБ

— Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўтмишда Каттакўрғонда бирорта ҳам маданият ва санъат даргоҳи бўлмаган, — дейди суҳбатдошимиз. — Уша даврнинг истеъдодли санъаткорлари ўз қобилиятларини тўй-марракаларда, чойхоналарда, байрамдагина намойиш қилишган. «Туркестанские ведомости» газетасининг муҳбири бу ҳақда газетанинг 1903 йил 19 январь сонидан шундай деб ёзган эди: «Биз шаҳарда бирорта концерт труппасини, бирорта хаваскорлик спектаклини, хатто жамоат йиғинини кўрмадик... Буни изоҳлаш ҳам қийин...»

— Театр ташкил топган ўтган асрнинг йиғирманчи йилларида бу ерда қийинчиликлар рўй бергани, иш юритиш осон кечмаганлиги ҳақида гапиришди. — Театр ташкилотчили-

ридан бири Абдулҳамид Маждийнинг «Туркистон» газетасида босилб чиққан «Каттакўрғонда саҳна ишлари» номли танқидий мақоласидаги куйидаги жумлаларни ўқиймиз.

«1919 йилнинг бошларида бир театр тузилиб, икки-уч бор кейин ёш бурхорликлар ила татар қардошларимиз қўшилишиб бир гурпа тузилди. Бу ҳам уч-тўрт марта ўйнагандан сўнг тарқалиб кетди. Утган йили Тошкентдан Фулом Зафарий бошчилигидаги Узбек давлат театруси келиб, тўрт-беш кун томоша берди. Бундан таъсирланиб, яна ишга киришдик. Труппани қайта тузиб, ўртоқ Фулом Зафарийни таклиф этдик. Ул киши ўз театруси таърибаларини сўзлаб берди... Таассуфки, зарур асослар етишмаганидан биз ҳамон қийналадурмиз. Уезд раҳбарларининг эса ёрдам-

ларини кўрмаёттирмиз. Энди биз ҳукумат раҳбарлари, маорифпарварларимиздан талаб қиламиз: саҳнаимизнинг расмий саҳна бўлиши учун ижтимоий сарф қилингиз. Каттакўрғон саҳнаси сизларнинг ёрдамингизга муҳтождир.» (1923).

— Каттакўрғон театрининг бугунги камолотида унинг ташкилотчилари, хусусан, шоир, режиссёр, драматург ва ҳажвчи Аб-

дулҳамид Маждий хизматларини ёдга олиш ўринли. Театрнинг айнан шу инсон номи билан аталиши ҳам беҳиз эмас. Яна бир фидойи инсон, юздан ортиқ тўлақонли образлар яратган, ўттизга яқин спектакллари саҳналаштирган Сора Мелиева санъат даргоҳига қирқ йил раҳбарлик қилди. Шу даврда театр саҳнаси давр ва томошабин талабига мос спектакллар билан бойиди.

Узбекистон халқ артисти, санъат арбоби, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев Сора опанинг фарзанди. У ўзининг санъатдаги илк ижодини Каттакўрғон театрида бошлади. «Келинлар кўзголини» спектаклини саҳналаштириб, Фармонбиди образига волидаю муҳтарамасини таклиф этди.

Драма театрига турли йилларда раҳбарлик қилган Баҳри Жалилов, Яз-

вожланиб боришига муносиб ҳисса қўшишди. Улар билан бирга фаолият кўрсатган ўнлаб актёрларнинг бебаҳо санъати халқни театрга, театрни халққа яқинлаштирди.

— Театрнинг бугунги шуҳрати нима-ларга боғлиқ? Театр ва томошабин муаммоси ҳақида нима дея оласиз?

— Биринчи галда, театр томошабинга, томошабин эса театрга мос бўлсагина, ўртада узвий боғланиш юзага келади. Бу эса, энг аввало, театрининг томошабин дидига мос, замонавий асарлар ярати олиши, уларни саҳнага олиб чиқишига намоён бўлади. Ана шунда театр томошабини эмас, томошабин театрни излайди. Кейинги йилларда жамоамизда Уйғуннинг «Зебунисо», Абдулла Қаҳорнинг «Тобутдан товуш», Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими»,

Чўлпоннинг «Ёрқиной», Шавкат Сиддикийнинг «Фигон» ва шу сингари кўплаб асарлари саҳналаштирилди.

Узбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Нуриддин Ўтаев, Ширин Мусаев, Нусрат Ҳожиев, Муҳаббат Йўлдошева, Гулбахор Мамедова, Абдуғани Абдуразоқов, Икром Хонимқулловлар бугун театримизнинг фахри. Етуқ санъаткорларимиз Н. Сайфиев ва З. Зоиров ижодкор ёшларимизнинг устозлари.

Театрга тегишли ташкилотлар томонидан моддий ва амалий ёрдам кўрсатилаётганини таъкидлаш ўринли. Аммо бу узоқ йиллар мобайнида юзага келган муаммоларни ҳал этиш имконини бермапти. Масалан, қиш фаслида театр биноси фойдаланиш ва зах. Сабаби, иситиш воситалари эскирган. Уларни таъмирлаш учун каттагина маблағ зарур. Замонавий ёритиш, овоз ёзиш ва овоз кучайтириш ускуна-

лари ҳамда компьютерга эгаллик қилиш неча йиллардан буён орзу бўлиб қоляпти. Шу муаммолар ҳал этилса, ўз-ўзидан ишларимиз янада юришиб кетарди.

«Халқ сўзи» муҳбири Абдурашул САТТОРОВ суҳбатлашди.

Китоб жавонингизга

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ САРЧАШМАЛАРИДАН БИРИ БЎЛМИШ АЛИШЕР НАВОЙИ МЕРОСИНИНГ ЭНГ ГЎЗАЛ НАМУНАСИ, ШУБҲА-СИЗ, «ХАМСА»-ДИР. ШАРҚ ХАМСАНАВИСЛИГИНИНГ УШБУ ЁДГОРЛИГИ ҒОЯ ВА БАДИИЯТ САЛМОҒИ ЖИҲАТИДАН МУКАММАЛЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

МУАЗЗАМ «ХАМСА»НИНГ МУКАММАЛ НАШРИ

«Хамса»нинг Султонали Машҳадий, Абдулжамил котиб каби хаттотлик санъатининг алломалари кўчирган нодир кўлэзмалари жаҳон китоб ҳазиналарини бойитиб турибди. Шунингдек, ушбу асар яқин юз йилдан буён диёримизнинг ўзида бир неча бор чоп бўлди. Улар орасида тошкентлик хушнавис хаттот Шохмурод котиб кўчирган (1904 й.) нусхаси, захматкаш матбуотчи Порсо Шамсиев тайёрлаган илмий-танқидий матн асосидаги нашр (1960 й.), йиғирма жилдик мукамал асарлар таркибидagi (7-11-жилдлар) нашри ҳам ажралиб туради.

Истиқлолимизнинг 15 йиллигига муносиб тўхфа бўлгунча «Хамса»нинг яна бир мухташам наشري дунё юзини кўрди. «Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий ўйи» томонидан «Боқий сатрлар» рўкни остида (Тошкент, 2006) чоп этилган «Хамса» таркибига кирувчи беш дostonнинг алоҳида нашрлари олдингилардан мутлақо ажралиб туради. Унинг лотин графикасида асосланган янги ўзбек ёзувида чоп этилгани ёш авлодни маънавий меросимизга яқиндан ошно этишга анча қулай. Айниқса, dostonларнинг насрий баёни билан замонавий ўзбек тилида тушунтирилган ҳолда берилиши айни мудида бўлган. Шу билан бирга, асарларнинг тўлиқ ҳолда берилиши нашрининг яна бир ютуғидир. Соёқ шўро даврида чоп этилган Навоий асарлари нашрида одатда асарнинг кириш қисми бўлган ҳамд ва наът қисмлари албатта олиб ташланган. Ваҳоланки, айнан шу қисмлар кўп ҳолда асар моҳиятини англашда му-

ҳимдир. Навоий даҳоси акс этган ушбу асар матнини тўла ҳолда ўқувчилар ҳуқмига ҳавола этиш учун кўплаб навоийшунос олимларимиз меҳнат қилганлар. Улар — академик Азизхон Қаюмов, филология фанлари докторлари, профессорлар Абдуқодир Хайитметов (марҳум), Саидбек Ҳасанов, Мавжуда Ҳамидова, доцентлар Ваҳоб Раҳмонов ва Наим Норқулов.

Илк doston — «Хайрат ул-аброр»ни сўзбоши билан А.Қаюмов ҳозирлаган, асар матнини нашрга В.Раҳмонов, насрий баёни А.Хайитметов тайёрлаган. Мазкур нашрнинг яна бир афзал жиҳати



унинг дизайнидир. Муқова бичими ва шакли мумтоз китобатчилик санъатидан илҳомланган ҳолда тайёрланган. Бунда мусаввирлар Анатолий Бобров ва Баҳодир Жалолов бор маҳоратларини ишга солганликлари кўриниб турибди. Китобдан dostonларга ишланган миниатюралар ҳам ўрин олгани ниҳоятда таъсирчан.

Бир сўз билан айтганда, матбаачилигимизнинг кейинги йилларидаги бу ютуғи мустақиллигимиз шодийларига яқинлашган кунларда халқимиз учун, келажак авлод учун муносиб армуғон бўлди.

Саидбек ҲАСАНОВ, филология фанлари доктори, профессор.

Спорт



ИСКОВОТЛИК ҚИЗЛАР ГЕРМАНИЯДА

Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан чекка туманларда яшаётган болаларни, айниқса қизларни халқаро мусобақаларда иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Утган йили жамғарма кўмаги билан 100 нафар болажон хорижда уюштирилган мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб химоя қилганди. 2006 йилнинг шу давригача яна 207 нафар

ёш чет мамлакатларда ўтказилган халқаро мусобақаларга юборилди.

Кўни кеча Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги Исковот қишлоғида жойлашган 26-мактабнинг волейболчи қизлар жамоаси Германияда ўтган халқаро мусобақадан қайтишди.

— Беллашувда ўндан ортиқ жамоа иштирок этди, — дейди волейболчи қизлар жамоаси сардори Зухра Дажнонова. — Дугоналарим билан Германиянинг тарихий жойларини зиёрат қил-

дик. Мусобақада эришган натижаларимиз ҳам ёмон бўлмади. Бунинг учун бизга яқиндан ёрдам берган жамғарма раҳбариятига миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Эслатиб ўтамиз, исковотлик қизлар волейбол бўйича республика чемпи-

Анастасия яна совриндорлар сарфид

Грециянинг Салоники шаҳрида энгил атлетика бўйича ўтказилган Гран при турнирига кирувчи халқаро турнирда узбекистонлик Анастасия Журавлева муваффақиятли иштирок этди.

Ҳамюртимиз уч ҳатлаб сакраш баҳсларида 14 метру 30 сантиметр натижага эришиб, россиялик таниқли спортчи Елена Олейникова ҳамда Елена Ивановалардан ўзиб кетди ва шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобиллари (автобуслари) ва улар негизда тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал-юклагичларни (ТО-18К, ТО-18В ...) йўлқурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ-ҳўжалик (МТЗ трактори негизда) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservice» кўша корхонасига мурожаат қилсангиз бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

КАММАЗ ARSENAL Тошкент ш., Братислава к., 11. Тел.: 151-20-33, 151-20-90. Факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари таржумонлик факультети декани муовини Саиджон Ҳожиевга ақоши Амнжон ҲОЖИЕВнинг вафот этганига муносибати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти жамоаси «ЭКОСАН»нинг Қашқадарь вилояти филиалининг директори Шамси Набиева волидан муҳтарамаси Сабохон аз РАЖАБОВАнинг вафоти муносибати билан ўз ҳамдардлигини изҳор қилади.

«Савдогар» акциядорлик тижорат банки жамоаси бош бухгалтер Мурод Алимовга волидан муҳтарамаси ИНОЯТ аянинг вафот этганига муносибати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териялда ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файязов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳақиқати — 21.00 Топширилди — 23.10

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оршов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болсов.
Навбатчи — С. Дошғоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббеов.

1 2 3 4 5 6